

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

## Шукух

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби вилоятимизда ҳам Ёшлар куни катта кўтаринкилик билан нишонланди. Сана муносабати билан турли маънавий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари, концерт дастурлари ташкил этилиб, уларда ёшларнинг ўзлари бевосита иштирок этдилар. Асосий байрам тадбири вилоятнинг маъмурий маркази – Нурафшон шаҳрида ўтказилди.

Биз Ўзбекистоннинг буюк келажатини барпо этишга маҳкам бел боғлаган эканмиз, бу улғу ишни эртага эмас, бутун бошлашимиз, бунинг учун аввало навқирон ёшларимизга зарур шароитларни айнан бутун яратиб беришимиз керак.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

## АБИТУРИЕНТЛАРНИ ҚАНДАЙ ЯНГИЛИКЛАР КУТМОҚДА?

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази мутасаддилари 2019/2020 ўқув йили учун олий таълим муассасаларига қабул бўйича ўтказиладиган тест синовларига тайёргарлик кўриш жараёни ҳақида журналистларга маълумот берди, дея хабар қилади ЎЗА.

### Жараён

Айтилишича, бу йилги тест топшириқларини шакллантириш учун умумтаълим фанлари бўйича 140 нафардан ортиқ экспертлар гуруҳи тузилган. Улар 180 мингдан ортиқ тест топшириқларини шакллантиради. Тест топшириқларининг ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларидаги бир хиллиги таъминланади.

Жорий йилда намунавий тест топшириқлари 1500 дан ортиқ абитуриент иштирокида апробациядан ўтказилди, ишончилиги, мураккаблик даражасининг тўғри танланганини ўрганилди, 74 мингдан ортиқ тест топшириғи статистик таҳлил қилинди. Хато-камчиликлар тузатилди, айримларига ўзгартиришлар киритилди.

ДТМ мутахассислари бу йилги тест топшириқлари базасини шакллантиришда Туркия, Жанубий Корея, Россия, Япония каби мамлакатлар тажрибалари ўрганилганини айтди. Янгилик сифатида тест топшириқларида график, ёзувсиз карта, расмлар қўлланилаётгани қайд этилди. Таъкидлашишича, фаолиятнинг очиклигини таъминлаш мақсадида янги ўқув йилидан бошлаб Давлат тест марказида мавжуд тест топшириқлари базаси-

ни жамоатчилик учун очиб қўйиш режалаштирилмоқда.

Бугунги кунда тест синовларини ўтказиш учун мамлакат бўйича 69 бино танланган. Уларнинг энг каттаси 1710, энг кичиги 240 ўринлидир. Бу биноларда бир кунда 2 та сменада 1 минг 277 та гуруҳда жами 38 минг 310 абитуриент тест топшириғи мўлжалланган. Тест синовларининг адолатли ўтишини таъминлаш мақсадида бир кунда 2 минг 554 нафар назоратчи жалб этилиши белгиланган.

– Бу йил абитуриентлардан олинган бармоқ изи орқали тест синовларига бошқаларнинг кириши каби қонунобузилишларга барҳам берилади. Натижанда, ўз билимига ишониб имтиҳон топшираётган ёшларнинг имконияти янада кенгайди, – деди Давлат тест маркази бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Қахрамон Ҳақбердиев.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиғи билан ҳамкорликда бинолар учун 1 минг 155 тадан ортиқ видеокузатув камералари, 120 донга мобил алоқаларини тўсувчи қоринлар, бармоқ изи асосида таниш воситалари тайёрланмоқда.

## Бугуннинг ёшлари: МАҚСАДЛАРИ ЁРҚИН, МАНЗИЛЛАРИ ОЙДИН



Байрам эрта тонгда марказий кўча бўйлаб 6 километр масофага югуриш марафони билан бошланди. Ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ва уларни оммавий спортга жалб қилиш мақсадида ўтказилган мусобақада 1 минг 500 нафардан зиёд ўғил-қиз қатнашди. Юқори тезлиги билан марра чизгини биринчилардан бўлиб босиб ўтганлар ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

Куннинг энг асосий тадбири – “Ёшлар маркази”нинг очилиши бўлди. Замонавий дизайн асосида қурилган мазкур иншоотга 22 миллиард сўм набават сарфланди. Муҳташам бинода ёшларнинг билим олиши, бўш вақтининг мазмунли ўтказиши учун барча зарур шароитлар яратилган. Хусусан, марказда инглиз, корейс тиллари, компьютер,

бизнес саводхонлиги, психология, тасвирий ва амалий санъат, мусиқа, пазандачилик, тикувчилик, шахмат тўғрақлари ташкил этилиб, керакли жиҳозлар билан таъминланган.

Марказ очилишида Ўзбекистон Республикаси Президентини маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Қ. Қурон-

боев, Президент маслаҳатчиси ўринбосари Ф. Маҳмудов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид, ёзувчи-шоирлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда ёшлар иштирок этди. Сўзга чиққанлар ёшларни байрам билан муборакбод этиб, Юртбошимизнинг гамхўрлиги туфайли

бугунги ёшлар замонавий билим ва тараққиёт чўққиларини эгаллаб, инновацион ташаббуслари, ғайрат-шижоати, эришаётган ютуқлари билан Ватанга муносиб фарзандлар бўлиб етишаётганини алоҳида тилга олишди. Шунингдек, сана арафасида

“Ёшлар маркази”нинг очилиши вилоят йигит-қизлари учун чинакам байрам тўхфаси бўлганини алоҳида таъкидлашди.

Давоми 2-бетда ➔

Шерзод ҚОБУЛОВ олган суратлар

## Эътибор

Оҳангарон шаҳридаги “Махнун-тол” тўйхонасида Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни муносабати билан тантанали байрам тадбири бўлиб ўтди.



БУ ДУНЁ  
БИР СЎЗДАН  
ЯРАЛГАН АСЛИ

Вилоят ҳокимлиги томонидан ташкил этилган маросимда мамлакатимиз ва вилоятимиз оммавий ахборот воситаларида ўз шарафли касбини ардоқлаб меҳнат қилаётган ижодкорлар, газета ва журналлар, теле-радиоканаллар, нашриёт ва матбаа корхоналари фидойилари, соҳа фахрийлари ва блогерлар иштирок этишди.



Тантанали маросимни вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Озода Парпиева кириш сўзи билан очиб, шарафли касб соҳибларини вилоят ҳокимлиги номидан байрам билан қизгин ва самимий муборакбод этди.

Таъкидланганидек, журналистнинг меҳнати жуда машаққатли. Бинобарин, муҳтарам Президентимизнинг соҳа ходимларига йўлаган табригида шу жиҳат алоҳида қайд этилди. “...Матбуот, оммавий ахборот воситалари иши ҳамма замонларда ҳам оғир ва масъулиятли бўлган. Мамлакатимиз янги тараққиёт босқичига кўтарилаётган, очиклик ва ошқоралик, сўз ва фикр эркинлиги ҳаётимиз мезонига айланиб бораётган ҳозирги даврда бу масъулият янада кучаймоқда.

2

## Мактабгача таълим

Янгийўл шаҳридаги 12-давлат мактабгача таълим муассасаси жорий йилда капитал таъмирдан чиқарилиб, болажонлар ихтиёрига берилди.

Мазкур таълим масканида келажакимиз ворисларининг ҳар томонлама соғлом, билимли ҳамда



Жорий йилда вилоятимизнинг 9 та пахтачилик туманидаги 295 та уруғлик етиштирувчи фермер хўжалигига тегишли 13 минг 543 гектар ерда уруғлик пахта парваришланмоқда. Инспекция ходимлари томонидан мазкур майдонларда култивация, гўзани яғана қилиш, зараркунандаларга қарши феромон тўқич ўрнатиш, экинлар тагини чуқур юмшатиш, бегона ўтлардан тозалаш каби агротехник тадбирларни амалга оширишда камчиликлар аниқланиб, уларни бартараф қилиш чоралари кўриляпти.

Фаллачилик йўналишида эса, вилоятда 2019 йил ҳосили учун жами 126 минг 980 гектарга, шундан 117 минг 300 гектар сувли, 9 минг 680 гектар лалми майдонга бошоқли дон уруғлари экилган. 382 та уруғчилик хўжалиги танловдан ўтиб, 12 минг 22 гектарда уруғлик галла етиштирилди.

Шуни айтиш керакки, Инспекциянинг вилоят бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш

## «ИЛК ҚАДАМ» ҚАЛДИРҒОЧЛАРИ

баркамол бўлиб улғайишлари учун барча шароитлар яратилган. Ҳозирги кунда бу ерда 10 та гуруҳ мавжуд бўлиб, уларга 300 нафардан ортиқ бола қамраб олинган. Кичкинтойларни спортга қизиқтириш, санъатга ихлосларини ошириш мақсадида шахмат-шашка ҳамда мусиқа ва рақс тўғрақлари ташкил этилган. Боғчада 21 нафар педагог ва тарбиячилар кичкинтойларга “Илк қадам” дастури бўйича замонавий методларни уйғунлаштириб таълим-тарбия беришмоқда.

– Муассасамиз инноваци-

он технологиялар асосида тўлиқ таъмирланди, – дейди услубчи Хилола Абдувоҳидова. – Хусусан, болалар учун ўйин майдончалари чиройли дизайнда жиҳозланди, шунингдек, ақлни чархловчи, турли ўйинчоқлар ҳамда кўргазмали қуроллар билан таъминланди.

Дарҳақиқат, болаликда олинган таълим-тарбия келажак учун муҳим пойдевор вазифасини ўтайди. У қанчалик мустаҳкам қўйилса, боланинг камолоти ҳам шунча ишончли бўлади.

Зухриддин ҚАМБАРОВ Мансур ХИММАТОВ олган сурат

## БОШОҚНИНГ КЎРКИ – БЎЛИҚЛИГИДАН, БАРАКАСИ ЭСА УРУҒЛИГИДАН

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида пахтачилик алоҳида аҳамият касб этади. Шундан келиб чиқиб, вилоят Агросаноат инспекцияси бошқармаси томонидан пахта уруғчилигини ривожлантириш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 декабрдаги “2019 йилда гўзани навлари бўйича жойлаштириш ва пахта хом ашёси етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида”ги қарори ижроси юзасидан назорат олиб борилмоқда.

### Қарор ва ижро

инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда қишлоқ хўжалиғи экинлари навларининг генетик софлиги ва уруғлар сифати соҳасида давлат сиёсатининг ижро қилиниши, уруғ ҳамда кўчат материалларининг сифатини аниқлаш устидан назорат ўрнатилди.

Жумладан, жойларда тузилган апробация комиссияси томонидан танловдан ўтган фермер

хўжалиқларининг уруғлик бугдой майдонларида апробация жараёнининг тўғри ўтказилиши ва дон корхоналари томонидан сиқатли уруғлик дон қабул қилинишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Шу мақсадда апробация кўриги ўтказишдан олдин ушбу майдонга 2018 йилда экилган доннинг бирламчи келиб чиқиш ҳужжатлари (аттестат, мувофиқлик сертификати ёки таҳлил натижаси) мавжуд бўлмаган ва тўғри келмаган майдонлардан уруғлик олинмаган.



Жорий йилда уруғлик галланинг наводорлик кўрсаткичлари, талаб даражасидан паст бўлган, касаллик ва зараркунандалар билан зарарланган, ажралиши қийин бўлган, маданий ва тақийланган, захарли бегона ўсимликлардан тозаланмаган, Низом ва стандарт талабларига жавоб бермаган 23 та фермернинг 830 гектар уруғлик майдони яроқсиз деб топилди, далолатномалар тузилган.

Фалла ўрим-йигим мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш,

шунингдек, уруғлик майдонларини ўриш учун ҳамда галла навлари аралашиб кетишининг олдини олиш мақсадида уруғлик майдонларини ўриш отрядлари ташкил этиш ва отрядларга янги ҳамда техник ҳолати соз комбайнлар ҳамда ташиш транспортларини ажратиб назоратга олинди. Вилоят бўйича 479 гектар уруғлик бугдой майдонларини ўриб-янчиб олиш 38 та отрядга бириктирилган. Бунинг учун 38 та уруғлик комбайни ҳамда 114 та дон ташиш транспорти ажратилган.

Шунингдек, 2020 йил ҳосили учун уруғлик дон топширилиши ҳамда навли уруғлик донларни тегишли нав ҳужжатларисиз қабул қилиш ва жойлаштиришга йўл қўймаслик чоралари кўрилган бўлиб, ҳар бир шахобчага инспекция ходимлари бириктирилган.

Ш. УСУБАЛИЕВ, Инспекциянинг вилоят бошқармаси катта инспектори

– Бугунги кунда вилоятимизда 30 ёшгача бўлган йигит-қизлар сони 1 миллион 402 минг 867 нафарни ташкил этади, шундан 597 минг 329 нафари Ўзбекистон ёшлар иттифоқи аъзолари, – дейди Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши ахборот-таҳлил бўлими мудир Миржалол Абдухамидов. – Хозирда иттифонинг вилоятдаги бошланғич ташкилотлари сони 1 минг 818 тага етди. Улар томонидан кўзга кўринарли ишлар амалга оширилди. Жумладан, маҳаллаларда уюшмаган ёшлар

танловининг вилоят босқичига йўлланма олган. Зилола яқинда биринчи шеърини китоби ва “Жаннат юртим султони” деб номланган янги шеърини Президентимизга йўллаган эди. Кўп ўтмай, давлатимиз раҳбаридан Зилола Шомуродовага жавоб хати келди. Маънавий-маърифий тадбирда мазкур мактуб ўқиб эшиттирилди. Таъкидлаш керакки, Президентимиз мактуби ижодкор кизга ва унинг оиласига катта хурсандчилик бағишлади. Зилоланинг отаси Му-

нафақат изчил давом эттирилиши, балки янги, янада юксак босқичга кўтарилиши алоҳида таъкидланган. Учрашув давомида вилоят раҳбари ёшлар билан дилдан суҳбатлашиб, навқирон авлодга қаратилаётган эътибор ва яратилаётган шароитлар ҳақида атрофлича маълумот берди. Ёшлар томонидан билдирилган фикр-мулоҳаза ва таклифлар, улар ўртага ташлаган долзарб масалаларнинг ечими изланди. Шунингдек, тадбирда Президентимизнинг кунги кеча қабул қилинган қарори билан

# БУ ДУНЁ БИР СЎЗДАН ЯРАЛГАН АСЛИ

Бугунги кунда дунё шиддат билан ўзгармоқда. Барча соҳалар каби ахборот олиш ва уни етказиш, таъсирчан жамоатчилик фикрини шакллантириш борасида ҳам рақобат кескин тус олмақда. Бундай мураккаб шароитда ҳаёт янги-янги талаб ва вазифаларни олдимишга қўймоқда”, дейилди табриқда.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ижроси ва моҳиятини халқимизга етказиш, одамларда мана шу ўзгаришларга дахлдорлик туйғуларини уйғотиш ва шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамиятини ҳеч нима билан ўлчаб, қиёслаб бўлмайди.

Айнан шунинг учун ҳам, давлатимиз раҳбари ўзларининг деярли ҳар бир чиқишларида журналистларимизни жамият ҳаётида ҳамisha фаол бўлишга, ҳар бир масалада ҳолис ва ҳозиржавоб фикр юритишга, ютуқларимиз билан бир қаторда, жойлардаги мавжуд камчилик ва муаммоларни ҳам рўй-рост кўрсатиб, уларни

соҳа вакилларининг ўрни ниҳоятда катта. Таъкидлаш жоизки, бугун вилоятимизда 60 га яқин давлат ва нодавлат оммавий ахборот воситалари, тўқсондан зиёд катта-кичик бартараф этишда самарали жамоатчилик назоратини ўрнатишга, бир сўз билан айтганда, халқимиз ҳаётининг том маънодаги кўзгуси бўлишга давлат эътиборини қўймоқда.



– Ҳар йили Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ҳодимлари кунини нишонлар каниз, қалбимиз фахр ва ифтихорга тўлади, – дейди вилоят ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси бошлиғи, “Шўхрат” медали соҳибаси Зарифа Эралиева. – Халқимизни, айниқса, ўсиб-келаётган ёш авлодни Ватанга муҳаббат, мустақиллик ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда, Истиқлол йилларида халқимиз эришган ва эришаётган оламшумул ютуқларини бутун жаҳон афкор оммасига етказишда

мактаб ва қорхоналари фаолият юритмоқда. Уларнинг ишлари ривож тилаймиз. Ва, албатта, вилоятимиз ижодкорларидан янги ютуқлар кўтиб қоламиз.

– Кейинги пайтларда вилоятимиздаги оммавий ахборот воситалари ҳодимлари эришаётган ютуқлар ҳам салмоқли бўлаётти, – дейди вилоят ҳокимлиги Ахборот хизмати раҳбари Беҳзод Қобулов. – Ўз навбатида, оммавий ахборот воситаларимизни, газета ва журналларимизни аҳоли орасига кенгрок кириб бориши, улар айтаётган сўзнинг сал-

моғи ва таъсири ортиши, ўсиб келаётган ёш журналистларининг интилиш ва истеъдодларини қўллаб-қувватлаш учун қўлимиздан келган ҳар қандай ёрдамни аямаймиз. Оммавий ахборот воситаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларда фаолият юритаётган ижодкорларни ижтимоий муҳофаза қилиш, уй-жой, маиший турмуш шароитларини яхшилаш бундан кейин ҳам вилоят ҳокимлигининг диққат марказида бўлади.

Маросимда вилоят ҳокимлиги томонидан радио-телевидение, республика босма оммавий ахборот воситалари, худудий нашрларда меҳнат қилаётган касб фидойилари ва соҳа фахрийларига вилоят ҳокимлигининг эсдалик совғалари топширилди.

Тантанали маросим иштирокчиларини Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир самимий қутлаб, янги шеърларидан намуналар ўқиди.

Оҳангарон шахри бадий жомоалари ва ижрои ёшлар томонидан тайёрланган концерт дастури меҳмонларга хушқайфият бағишлади.

**К. САЛОМОВА**  
Мансур ҲИММАТОВ  
олган суратлар

## Бугуннинг ёшлари: МАҚСАДЛАРИ ЁРҚИН, МАНЗИЛАРИ ОЙДИН

бандлигини таъминлаш, уларнинг моддий имкониятларини мустаҳкамлаш чоралари кўрилмади. Умуман, бугун вилоятда ишсиз ёшлар 41 минг 95 нафарни ташкил этиб, 2019 йилнинг иккинчи чораги давомида уларнинг 4 минг 687 нафари мутахассислиги бўйича ишга жойлаштирилди. 2,5 мингдан кўпроғи мавсумий иш билан таъминланди.

зафар Раҳимов устачилик билан шуғулланади, онаси Лобар Кўчқорова эса уй бекаси. – Уч нафар фарзандим бор, – дейди биз билан суҳбатда Лобар Кўчқорова. – Зилола болалигидан шеърингга, адабиётга жуда қизиқади. Бир кун қизим Юртбошимизга бағишлаб “Жаннат юртим султони” номли шеър ёзгани

“Мард ўғлон” давлат мукофотида вилоятимиздан муносиб кўрилган Тошкент педиярия тиббиёт институтининг 5-босқич талабаси Беҳзодбек Болтаев, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг 4-босқич талабаси Шаҳзод Холмурзаевага мазкур мукофот тантанали топширилди. – Мукофотга лойиқ кўрил-



Иттифоқ томонидан ҳисобот даврида 90 нафар ёш тадбиркорларга 23 млрд. 254 млн. сўм миқдорда имтиёзли кредит олиш учун тавсияномалар берилган. Авф этилган 59 нафар ёшнинг ҳар бирига Ёшлар иттифоқи ҳамда ҳамкор ташкилот вакиллари бириктирилиб, улардан 50 нафари давлат ва хусусий секторларга ишга жойлаштирилди. Ёшлар марказидаги илк тадбир гоёт ҳажонли бўлди. Унда Президент маслаҳатчиси Хайридин Султонов Зангиота туманидаги 35-мактабнинг 5-синф ўқувчиси Зилола Шомуродовага Президент табриги ва эсдалик совғаларини топширди. Гап шундаки, ёш қаламқаш қизнинг 2017 йилда “Онажонимга совға” номли биринчи китоби чоп этилган. У “Камалак юлдузлари” танловининг туман ва вилоят босқичлари ғолиби ҳисобланади. Бундан ташқари, жорий йилда “Ёш китобхон” кўрик-

ва уни Президентимизга юбормоқчилигини айтиб қолди. Биз унинг тақлифини қўллаб-қувватладик. Тўғриси, оддий мактаб ўқувчисининг мурожаатига давлатимиз раҳбари бундай катта эътибор қаратишини кутмаган эдик. Бугунги кун бир умр ёдимизда сақланиб қолади. Тадбир шеърини кечасига уланиб кетди. Унда Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Сайид, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир ва истеъдодли шоир Жонибек Узоқов Ватанини, тинчликни, ёшликни мадҳ этувчи шеърларидан ўқиб беришди. Байрам тадбири доирасида “Ҳоким ва ёшлар” учрашуви ҳам ташкил этилди. Унда Президентимизнинг Ўзбекистон ёшларига йўллаган байрам табригини вилоят ҳокими вазифини бажарувчиси Рустам Холматов ўқиб эшиттирди. Табриқда ёшларнинг орзу-интилишлари, илғор гоё ва ташаббусларини рўёбга чиқариш мақсадида бошланган ишлар

ганимдан жуда хурсандман, – дейди Бекобод шаҳрилик Шаҳзод Холмурзаев. – Бугунги ҳажон, кўнгилдан ўтаётган ҳислар ажойиб. Шу кунгача кўллаб мусобақаларда юқори натижаларга эришганман. Хусусан, ўтган йили Индонезияда бўлиб ўтган Осиё ўйинларида олтин медални қўлга киритдим. “Мард ўғлон” мукофоти менга янги куч-ғайрат ва масъулият бағишлайди. Келажакда халқаро турнирларда муносиб иштирок этиб, юртимнинг ҳақиқий мард ўғлони эканимни яна кўп бора исботлайман. Шу кунги ёшлар учун катта гала-концерт дастури ҳам намойиш этилди. Эстрада хонандалари ижросидаги куй-қўшиқларга ёшлар маза қилиб рақс тушишди. Эрта тонгда бошланиб, кенгача давом этган байрам ўқиб эшиттирди. Табриқда ёшларнинг орзу-интилишлари, илғор гоё ва ташаббусларини рўёбга чиқариш мақсадида бошланган ишлар

## «ОҲ, СЕНИНГ ЁШЛИГИНГ МЕНДА БЎЛСАЙДИ...»

Мамлакатимиз нурунийлари Президентимиз томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббусни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдилар ва уни рўёбга чиқариш учун ўз куч-ғайратларини, тажриба ва маслаҳатларини аямайдилар.

Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуруний” жамғармаси томонидан Бўка туманидаги “Бўстон” маҳалла фуқаролар йиғинида ўтказилган тадбир иштирокчилари шу фикрда яқдил турдилар.

Республикамиз ва вилоятимиз туман, шаҳарларидан таширф буорган таниқли меҳнат фахрийлари бу ерда қисқа муддат ичида амалга оширилган кенг қўллаб-қувватлаш ишлари билан танишдилар. Маҳаллада барпо этилган Халқ кутубхонасига жамғарма томонидан 200 донга ноёб бадий китоблар совға қилинди, оилавий поликлиникага дори-дармонлар берилди. Тикувчилик ҳеҳида ишлаётган аёллар билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида беш муҳим ташаббуснинг мазмун-моҳияти, амалдаги ижроси ҳақида сўз борди. Ёшлар боғида ҳам самимий суҳбатлар ташкил этилди.

Маҳалланинг маданият саройида бўлиб ўтган семинар ҳам

айнан ана шу мавзуга бағишланди. Иштирокчилар Бўка тажрибасини юқори баҳоладилар.

– Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган беш муҳим ташаббус кўпроқ ёшлар манфаатларини ифодаласа-да, биз кексалар уни ҳаётга татбиқ қилишга қамарбаста бўлишимиз лозим, – деди “Нуруний” жамғармаси республика бошқаруви раиси Шўхрат Жалилов. – Чунки, ёшларда биз кексаларнинг амалий кўмак ва маслаҳатларимизга эҳтиёж сезилмоқда. Барча жабҳаларда, хусусан, ёшларда китобхонлик маданиятини тақомиллаштиришда кекса авлод вакиллари ибрат кўрсатишлари лозим.

Шу кунги маҳалла марказидаги ўйингоҳда нурунийлар кубоғи учун футбол мусобақаси ўтказилди, эҳтиёжманд оилаларга мурувват ёрдамлари кўрсатилди.

**Ашурали БОЙМУРОДОВ**

Турли зиддиятлар кучайиб бораётган бугунги мураккаб шароитда ёшларимизнинг маънавий иммунитетини кучайтириш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ва ўтказиш ҳар қачонгидан ҳам долзарб эканини замоннинг ўзи кўрсатиб турибди.

## БЕШ ТАШАББУС — БЕШ ИМКОНИЯТ

Ёшлар маънавиятини юксалтириш, бўш вақтларини унумли ташкил этиш, китобхонлик маданиятини шакллантириш мақсадида жойларда қатор маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилмоқда.

Кунги кеча Чирчиқ шаҳридаги 15-сонли Болалар мусика ва санъат мактабида Республика “Маънавият ва маърифат” маркази ҳамда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича шаҳар Кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган амалий семинар Республика Президентининг ёшлар билан ишлашни самарали ташкил этишда маданият, санъат, спорт, ахборот технологиялари ва китоб ўқишга қизиқириш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш бўйича 5 та ташаббус ижросига бағишланди.

Тадбир аввалида Республика “Маънавият ва маърифат” маркази бўлим бошлиғи М. Зиқировна йиғилганларга ҳаётбахш 5 та муҳим ташаббуснинг мазмун-моҳияти, ташаббус доирасида юртимизда амалга оширилаётган амалий ишлар, ёшлар ўртасида китобхонлик маданиятини шакллантириш, китоб мутолаасини ошириш ҳақида фикр юритди.

Тадбирда Муқимий номидagi ўзбек давлат мусика театри актёрлари – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Меҳмонали Салимов, актёр Омон Йўлдошевлар иштирок этишида ва машҳур асарлардан монолоғлар ўқишди. Чирчиқ шаҳридаги мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари “Мен севган эртак” мавзуси доирасида ўзлари севган эртакларини креатив усулда айтиб беришди.

**Ирода МУҲАММАДАЗИЗОВА,**  
Республика “Маънавият ва маърифат” маркази вилоят бўлими бош мутахассиси

## Аҳоли қўлида қолиб кетган 50 ва 100 сўмлик тангалар ва банкнотлар алмаштириб бериладими?

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахборот берди.

“Маълумки, 2019 йил 1 июлдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг эски намунадаги (2001-2002, 2004 ва 2009 йиллар намунасидаги) 50 сўмлик, 100 сўмлик тангалари ҳамда (1994 йил намунасидаги) 50 сўмлик ва 100 сўмлик банкнотлари тўлов қобилиятини йўқотида ва муомаладан чиқарилади. Адлия вазирлигида 2018 йил 19 майда 3014-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг эски намунадаги 50 ва 100 сўмлик тангаларини, шунингдек, 50, 100, 200 ва 500 сўмлик банкнотларини айирбошлаш ҳамда муомаладан қайтариб олиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан:

2019 йил 1 июлдан бошлаб эски намунадаги 50 сўмлик ва 100 сўмлик тангалар ва банкнотлар товар ва хизматлар учун тўловга қабул қилинмайди.

Аҳоли қўлида қолиб кетган эски намунадаги 50 сўмлик ва 100 сўмлик тангалар ва банкнотларини бевосита Марказий банкнинг худудий Бош бошқармалари Ҳисоб-китоб касса марказларида янги намунадаги тангаларга ва муомалада бўлган бошқа номиналдаги банкнотларга алмаштириб олишлари мумкин.

Эслатиб ўтамиз, юқоридаги Низомга асосан эски намунадаги 200 сўмлик ва 500 сўмлик банкнотлар 2020 йил 1 июлга қадар муомалада бўлади ҳамда ушбу муддатга қадар қонуний тўлов воситаси ҳисобланади.

2019 йилнинг 1 июлидан бошлаб банк кассаларига топширилган 1997 йил намунасидаги 200 сўмлик ва 1999 йил намунасидаги 500 сўмлик банкнотлар тижорат банклари филиаллари томонидан алмаштириб берилди”, дейилди Марказий банк ахборотида.


### Фан фидойилари



Дон маҳсулотлари, айниқса, бугдўйнинг янги навларини яратиш ишига ҳаётини бағишлаган фан фидойилари анчагина. Шулар орасида жонқуяр ва тиниб-тинчимас селекция олим Нўмонхон Тўлагановнинг соҳага қўшган ҳиссаси салмоқлидир. Нўмонхон Тўлаганов Тошкент қишлоқ хўжалиги институтини тугатган. У меҳнат фаолиятини Ўзбекистон шолчилик илмий-тадқиқот институтида илмий ҳодимликдан бошлаб, сектор бошлиғи, бўлим мудирини, бош агроном, тажриба хўжалиги мудирини бўлиб ишлади. Н. Тўлаганов 1998 йилдан 2016 йилгача Ўзбекистон

## ОЛИМДАН ОЛАМГА НАФ

тон галла ва дуккакли дон ўсимликлари илмий-тадқиқот институтининг Тошкент филиали директори вазифини фаолият кўрсатди. У киши Фаллачилик институти Тошкент филиалида ҳамкасби, селекция олим Амир Омонов билан ҳамкорликда “Замин-1”, “Саидазиз”, “Ерқин”, “Интенсив” навларини яратди. Шунингдек, соянинг “Ўзбек-6”, “Орзу”, мошнинг “Қаҳрабон”, маккажўхорининг “Ўзбекистон” эрта пишар навлари ҳам унинг меҳнати маҳсули эди. Н. Тўлагановнинг соҳа ривожига меҳнатлари 2010 йилда чоп этилган “Селекция ва уруғчилик энциклопедияси”да қайд этилган.



навни яратишининг ўзи бўлмайди. Ҳамкасбим ва дўстим Нўмонхон шундай масъулиятли вазифини аъло даражада ууддала, эл-юрт хўрамагача сазовор бўлган инсон эканигидан фахрланаман. Мазкур мақолани тайёрлаш

Яқинда олимнинг Андижон вилояти, Избоскан туманидаги мойли экинлар селекция уруғчилиги илмий-тадқиқот хўжалигида олиб бораётган изланишлари билан танишдик. – Нўмонхон ака билан кўп йиллардан буён ҳамкорликда

иш олиб борамиз, – дейди фермер хўжалиги раҳбари Абдухалил Абидов. – Муваффақиятли натижаларга ҳам эришдик. Нўмонхон ака изланувчан, илмий, меҳнаткаш олим. Ундан кўп нарса ўргандик. Фермер хўжалигимиз далаларида уруғчилик бўйича изланишлар олиб бораёямиз, натижалар ҳам ёмон эмас. Суҳбатимизни бўлиб, тажриба майдонидан комбайннинг овози келди. Бўлиқ бугдўй дончалари зумда комбайн бункерини тўлдирди. Хирмонда дастлабки ҳисоб-китоб олиб берилди. Ҳосилдорлик гектаридан 80 центнердан ошганини қувонч билан қайд этишди. Селекция олим Н. Тўлаганов ҳозирда нафақада бўлса-да, илмий изланишларини тўхтатмаган. Унинг шу даражага етишида умр йўлдоши Гулчеҳра аянинг хизматлари катта. Улар биргаликда 7 нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етказишди. Ҳозирда фарзанду набиралари ардоғида умргузаронлик қилишмоқда. Биз Нўмонхон акага барча ишларида муваффақият ва оилавий саратмандлик тилаймиз. **Жамбул ҚҮРБОНБЕКОВ,** Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси

Очиқ мулоқот

Оққўрғон тумани курилиш ва коммунал хўжалиги касб-хунар коллежида Олий суд раиси К. Камитов, вилоят Халқ қабулхонаси мудир А. Исабобов, вилоят ва туман судлари раислари аҳоли билан очиқ мулоқот ўтказишди.

Жиноятчилик:

КАМАЙГАНИ ЯХШИ,  
БИРОҚ БИТТАСИ ҲАМ КҮП

Йиғилишда туман ҳокими Ф. Омонов сўзга чиқиб, давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган вазибалар ихросини таъминлаш мақсадида тасдиқланган дастурга кўра, ҳуқуқбузарлик профилактикаси, жиноятчиликка қарши кураш, шу-



нингдек, аҳолини ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ҳамда ҳудудлардаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш мақсадида Олий суд раиси фуқаролар билан очиқ-часига, юзма-юз мулоқотга келганини таъкидлади. Қайд этилганидек, дастурга биноан жорий йилдан ҳар ойда бир марта бевосита вилоят судлари раислари ҳамда ҳар бир туман (шаҳар) ва туманлараро судлар раислари ва судьялари томонидан "Менинг маҳаллам - менинг судьям" лойиҳаси асосида маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудларида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятчиликка қарши курашиш, шунингдек, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ҳамда мавжуд муаммоларни ўрганиш ва жойида ҳал этиш мақсадида аҳоли билан сайёр учрашувлар, очиқ мулоқот ва фуқаролар қабуллари ўтказилаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Вилоятимизда содир этилаётган ҳар бир жиноятни аҳоли, ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ҳамкорлигида чуқур таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратаёلمиз, - дейди Жиноят ишлари бўйича вилоят суди раиси Д. Тожибоев.

Тадбирда Олий суд ва Ўзбекистон Миллий теле-радиокомпанияси ҳамкорлигида тасвирга олинган "Фарзанд омонат" видеофильми намойиш этилди.

Мулоқотдан сўнг ташкил этилган сайёр қабулларда фуқаролар мурожаатлари тингланиб, уй-жой, мол-мулк, мерос, оммавий-ҳуқуқий муносабатлар, жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар, суд қарорлари билан боғлиқ масалалар юзасидан суҳбатлар ўтказилди. Мурожаатларни жойида ҳал қилиш чоралари кўрилди, айримлари юзасидан асосли ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

Йиғилишда билдирилган таклиф ва мулоҳазалар муҳокама қилиниб, тегишли вазибалар белгилаб олинди.

Қобилжон АТАХАНОВ,  
Жиноят ишлари бўйича вилоят суди бош мутахассиси

"Катта бўлсам, ҳарбий бўламан. Бунинг учун мактабда аъло баҳоларга ўқишим ва спорт билан мунтазам шуғулланишим керак. Лекин, бу кетишда ниятимга етолмасам керак... Сабаби, муқим яшайдиган уйимиз йўқ. Кўча-кўйда ётиб юрамиз. Ўз уйимиз бўлишини, тоза-озода кийиниб юришни, юмшоқ қаравотда ухлашни, ўртоқларимга ўхшаб, ўйнаб-қулишни, велосипед ҳайдашни жуда-жуда хоҳлайман. Ойим йиғлашини, касал бўлишини хоҳламайман, чунки мени улардан бошқа ҳеч кимим йўқ..."

Одамни жунбишга келтирадиган бу сўзлар Ўзбекистоннинг олис кишлоғидаги боланинг эмас, балки Тошкент шаҳри ва вилоятини боғлайдиган катта йўл ёқаси - Ўзгаришдаги дарахт тагида онаси билан майда-чуйда (морс, pista, курт ва бошқалар) сотиб ўтирган Бахтиёрнинг зардобга тўлган юрагидан отилиб чиқмоқда. Бахтиёр эндигина ўн ёшга қоралаган бўлса-да, анча-мунча қийинчиликларни бошидан ўтказиб улгурган. Бунинг охириги туриш-турмушидан ҳам билса бўлади. Ўтар жойи йўқлиги учун шу ернинг ўзида тунни тонгга улайди. Мана, ўн йилдики улар бошпанасиз, сарсон-саргардон, ҳали у ерда, ҳали бу ерда жон сақлаб юришади.

Аслида, она-болани бир йилдан бери биламан. Мақола тайёрлаш баҳонасида туманга борганимда Бахтиёр ва унинг онасини учратганман.

Аёлнинг сўзлаб беришича, ота-онаси ёшлиғидаёқ оламдан ўтишган экан. Ўғай ака кўлида қолган сингли бошқа аёлларга қўшилиб, ишлаш учун қўшни мамлакатга чиқиб кетди. У ерда Олий ўзбек йиғити билан танишиб, оила қуради. Орадан кўп ўтмай, турмуш ўртоғи бахтсиз ҳодисага учраб, вафот этади. Шундан сўнг, у олти ойлик боласи билан ота уйига қайтиб келади. Аввалига ака-сингил тинч-хотиржам кун кечириди. Кейинчалик акаси ичи келиб, жанжал қиладиган одат чиқаради. Шундай кунларнинг бирида уни кўчага ҳайдаб солади. Бу ҳам етмагандек, ўғай ака турли йўллар билан уни ота-онасидан қолган меросдан ҳам маҳрум қилади. Ўша кезларда ака-сингилнинг жанжалига на кўни-кўши, на маҳалла-қўй аралашган.

Хуллас, она-боланинг ночор

аҳволи ҳақида мақола тайёрланиб, газетда эълон қилинди. Мақола чоп этилгач, орадан кўп ўтмай, Бахтиёр Зангиота туманидаги мактабга қабул қилинди. Зангиота тумани, "Сортепа" маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари Меҳри Омо-

Очиғи, мутасаддилар томонидан аёлга қўлдан келганча ёрдам берилди. Асосийси, Бахтиёр мактабга қабул қилинди. Ҳар ҳолда бу ҳаракатларни эътироф этмасак бўлмайди. Аммо...

Аён бўлдики, ўша вақтдаги ёрдамлар шунчаки ҳўжакурсинга берилган экан. Мутасаддилар муаммони жиддий ўрганиб, ҳал этиш ўрнига уни ҳас-пўшлаган, холос. Йўқса, она-бўла бу қадар танг аҳволда қолмаган бўларди.

Шу-шу аёлга бошқа ёрдам берилмади. Унинг тақдирини билан ҳеч ким қизиқмади. Тасаввур қилаёйсизми, бола-

кўрқитган эди. Мен - онаман. Ҳеч нарса боламдан устун бўла олмади. Шу боис бош омон бўлса, уй топилар, дея барига рози бўлганман.

Барибир бир нарсага хурсандман, ҳеч бўлмаганда болам мактабга қабул қилинди. Байрамлар муносабати билан маҳалла фаоллари озми-кўпми совға-саломлар бериб туришадилар. Асосий муаммоимизга келганда эса ҳеч ким ёрдам беришни истамайпти. Бормаган жойим, тақиллатмаган эшигим қолмади. Портал дейсизми, Халқ қабулхонасимиз, прокуратура, Ички ишлар вазирилиги, хуллас, барчасига бордим.

келяётган Она. Шуни асло унутмаслик лозим.

- Азоб-укубатлар жонимдан ўтиб кетган вақтларда дунё кўзимга қоронғу кўриниб кетади, - дея сўзида давом этади Меҳри Омонова. - Ёлғиз ўғлимни ўйлайман. Ахир, унинг мендан бошқа ҳеч кими йўқ. Сабр-бардошим яна қанчага етади - билмадим, аммо, кундан-кунга умидим сўниб бораёпти. Ўзимга ҳеч нарса сўрамайман, шу бегуноҳ болам учун, бундай хорлик ва зорликда бети қотиб, эрта бир кун жиноят йўлига кириб кетмаслиги учун уй-жой масаласида, ҳеч бўлмаганда, ота-онамдан

Ёлғиз аёл нидоси:  
«БАХТИМ ЙЎҒУ БАХТИЁРИМ БОР...»



си ҳали бир ёшга ҳам тўлмай, уй-жойдан маҳрум бўлган бир ожиза, ўн йилдики, шу аҳволда кун келаман. Шунча йил-а? Оғзининг бир четидан чиқиб кетадиган бу вақт айтишга осон. Лекин, шу давр мобайнида она-боланинг бошидан қандай азоб-укубатлар ўтгани эса фақат ўзларига аён.

- Бундан ўн йил муқаддам бошқа давлатда турмуш қурганим, оилавий можаро туфайли уйдан чиқиб кетганим ва қандайдир қоғозларга қўл қўйиб берганим бу қадар қимматга тушишини билмаган эканман, - дейди Меҳри Омонова. - Лекин, ўша пайтда шунга мажбур эдим. Сабаби, акам агар айтганини қилмасам, бола-мага зиён етказишини айтиб,

Аммо, нажот топмадим...

Мақолани ўқиганларнинг аксарияти шу ҳолга тушиб қолишида аёлнинг ўзи айбдор, деган хулосага келишгандир. Тўғри, бундай вазиятга тушиб қолишида аёлнинг ҳам айби бор. Аммо, бу уни бутунлай жамиятдан чет-лаштириш керак, дегани эмаску. Ҳар ҳолда у турли оқимларга қўшилмаган, ўз юртидан кетиб, бошқа эллардан нажот изламаган. Муҳтожликда, хорнинг зорлиқда яшаса-да, кўнглидан шум ният ўтмаган. Қилган хатоси ёлғиз ўзига панд берган, холос. У ҳам Аёл. Яққая юғона, кўзининг оқу қораси, жигаргўшасининг порлок келажиги учун барча қийинчиликларга чидаб

қолган уйдан ўз ҳаққимизни олиб беришда ёрдам берилишини хоҳлайман, холос. Менга бошқа ҳеч нарса керакмас...

Бугун мамлакатимизда том маънода кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Бундан бир неча кун илгари шахсан давлатимиз раҳбари бош бўлиб, ўзга юртларга нажот излаб кетган, турли оқимларга қўшилиб, Ватан, халқ, қариндош-уруғлар орасида юзи шувут бўлган 156 нафар фуқаро юртимизга қайтариб келинди. Савол туғилади, нима учун Меҳри Омонованинг ишига масъул мутасаддилар унинг қилган хатосини ҳали-ҳануз кеңиришмаяпти? Бу аёлни ёмонотлиқ қилишдан уларга нима наф?

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Сўнги пайтлар нафс йўлида ўз фарзандини сотаётган, ўз қўли билан ўлдираётган оналар ҳақида бот-бот эшитиб турибмиз. М. Омонова бундай қабиҳ ишга қўл ураётган аёллардан фарқи равишда фарзандининг келажиги учун сув келса симириб, тош келса кемириб, маломатларга чидаб келмоқда. Бир оғизнинг матонати бўлса, шунча бўлар. Ўн йилдан буён биргина қилган хатоси учун шундоқ ҳам азоблиб яшаётган бир муштира аёлнинг оху нолаларига қачонгача жим қараб тураемиз?

Ғулмуҳаммад АХМАД

Эшитмадим, деманглар!

КИМЛАРИНИНГ МАОШИ ОШДИ?

2019 йил 1 июлдан: ОТМ ўқитувчилари маоши ошди. Олий таълим муассасаларининг раҳбар ходимлари, профессор-ўқитувчилар таркиби ҳамда бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий лавозим маошлари оширилган миқдорларда тўланади.



гани судланувчини Тошкент вилоятига олиб келиш билан боғлиқ барча муаммоларни ҳал этди. Суд мажлиси жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг видео-конференцалоқа режимига ўтказишга мослаштирилган суд залида тўғридан-тўғри эфир орқали амалга оширилди. Бунда судланувчи жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти суди биносидан туриб ўз кўрсатмаларини монитор орқали берди.

Худди шу тартибда, ишларни кўриш жараёнида процесс иштирокчилари билан видео-конференцалоқа хизматлари ёрдамда Сурхондарё вилояти билан 13 та, Андижон вилояти билан 2 та, Жиззах, Наманган, Сирдарё ва Фарғона вилоятлари билан 1 тадан тўғридан-тўғри эфир орқали суд мажлислари ўтказилди.

Яна бир муҳим жиҳат ҳақида тўхталмасак бўлмайди. Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жалб этишининг афзаллиги фақат ишнинг кўрилишини тезлаштиришдан иборат эмас. Бу қулайлик гувоҳлар, жарланувчи ва бошқа шахсларнинг ҳавфсизлигини таъминлайди. Уларнинг бир вилоятдан бошқасига келиб-кеетишида ортиқча харажат ва сарсонгарчиликларнинг олдини олади.

Демак, судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг жалб этилгани мамлакатимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг самарадорлигини янада ошириб, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қонунийликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Юсуф ИЛЬҲАМОВ,  
Жиноят ишлари бўйича вилоят суди раисининг ўринбосари

КАМЕРАСИ БЎЛМАСА...

2019 йил 1 июлдан: видеокамераси бўлмаган ИПХ ходимига ҳужжатларинингизни тақдим этмаслик ҳуқуқига эгасиз.

Ушбу тартибни 2020 йил 1 январгача узайтириш лойиҳаси мавжуд, аммо ҳали у шунчаки лойиҳа холос, расмий ҳужжат эмас. Агар мабодо ИПХ ходими сизга "Бу тартиб 2020 йил 1 январдан қучга қиради, ҳужжатларни кўрсатишга мажбурсиз" деса, Вазирилар Маҳкамасининг 975-сонли қарорига ҳеч қандай ўзгариш киритилмаганини, шу сабабли ИПХ ходимининг талаби ноқонуний эканлигини тушунтиринг.



МАШИНАНИ БЎЯШ ШАРТ ЭМАС

2019 йил 1 июлдан: кира қилиш учун машинани бўяш шарт эмас. Йўналишсиз такси рангини қонун ҳужжатларида талаб қилинган рангга мувофиқ ҳолга келтириш учун (вилоятларда сариқ ва Тошкент шаҳрида фил суяги ранги) ўзи елимланадиган материаллардан фойдаланишга йўл қўйилади, уларни бўяш шарт эмас.

Йўналишсиз таксилар автобуслар учун ажратилган махсус ҳаракат йўналишида ҳаракатланиши ҳамда "Тўхташ тақиқланади" белгиси амал қилиш ҳудудидида тўхташи мумкин.

Тижорат ва хусусий эълонлар

"Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Бекобод филиали Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, Аббасов кўчаси, 264-ўйда жойлашган филиал биносининг ички ва ташқи электрлаштириш лойиҳасини "Toshkent NETK" АЖ томонидан берилган техник шарт асосида ишлаб чиқиш, шунингдек, филиал электрлаштириш тизимини техник шарт талабларига тўлиқ мослаштириш бўйича танлов эълон қилади.  
Таклифлар ОАВда эълон босилган кундан бошлаб 7 (етти) кун давомидида ёпиқ конвертларда Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, Аббасов кўчаси, 264-уй манзили бўйича қабул қилинади.  
Тел.: +99890 332-90-14, +99894 711-16-67.

"Бўстонлик КСЗД" ДУК Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Искандар кўрғони, "Барраж" МФЙ ҳудудидида жойлашган 7 ЛОТ, 57 кв.м бино-иншооти ва 0,50 Га ер майдони: ишлаб чиқариш фаолиятини олиб бориш учун "ноль" қий-матда тендер асосида қўйидаги шартлар бажарилган ҳолатда, кейинчалик хусусийлаштириш шарт-ти билан ижарага берилди.  
1. Инвестиция киритиш. 2. Иш ўринлари яратиш. 3. Экспорт қилиш.  
Талабгор тадбиркорлар "Бўстонлик КСЗД" ДУК идорасига ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача 10 кун муддатда мурожаат қилиш-лари мумкин. Мурожаат учун теле-фонлар: (+998 97) 274-62-46, (+998 99) 849-15-48. Танлов кунини КСЗД томонидан ҳабар қилинади.  
"Бўстонлик КСЗД" ДУК маъмурияти

Тошкент давлат техника университети академик ли-таъли томонидан 2019 йилда Бахтиёр Камрон Баҳром ўғли номига берилган L № 377446-сонли (рўйхат рақами 316) диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Яққабғ тумани халқ таълими бўлимига қарашли 47-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 1993 йилда Примова Фароғат Эшмуминовна номига 11-синфни тамомлаганлик ҳақида берилган АУ № 082760 серия рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Суд амалиётидан



Суд ҳокимияти мустақиллиги, одил судлов даражасига эришиш соҳада очкилик, шаффофлиқни талаб этади. Бу эса тизимга ахборот-коммуникация технологиялари қай даражада татбиқ этилганига боғлиқ бўлади. Бугун айни омилларга ҳам таяниб судларимиз фаолиятида инсон ҳуқуқ ҳамда манфаатлари қай даражада ишончли ҳимоя қилинаётганини баҳолаш мумкин.

ОДИЛ СУДЛОВНИ АМАЛГА ОШИРИШДА

ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланилмоқда

Шу ҳақда гап кетганда давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 30 августдаги "Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори асосида бу йўналишдаги ишлар анча тақомиллашганини таъкидлаш жоиз. Қарор билан 2017-2020 йилларда судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш дастури тасдиқланган эди. Маъмурий ҳужжат талабидан келиб чиқиб, судлар фаолияти автоматлаштирилиб, маълумотлар тизимлаштирилди. Умуман олганда, ахборот тизимлари ва ресурсларининг тақомиллашуви судларда ахборот хавфсизлиги ва электрон ҳужжат айланишини таъминлади. Судьялар ва суд ходимларининг компьютер саводхонлиги ва АКТдан фойдаланиш даражаси ошди.

Ахборот асрининг шиддати барча соҳаларда тезкорликни талаб этмоқда. Шу боис, судлар фаолиятида ҳам инновацион иш юритиш, яъни суд мажлиси жараёнларининг ёзиб олиниши, айрим ҳолларда, суд мажлисларини онлайн тарзда ижтимоий тармоқлар орқали кузатиш йўлга қўйилганлиги соҳада очкилик, шаффофликни таъминламоқда.

Шу ўринда суд мажлисини видео-конференцалоқа режимда ўтказиш қўплаб қулайлик ва афзалликлар бераётгани ҳақида қисқача тўхталиб ўтсак. Бу жараён амалга татбиқ этилгани, энг аввало, узоқ йўл босиб, суд мажлисига боришга ҳамда ортиқча харажатларга ҳожат қолдирмайди.

Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида шу усулдан самарали фойдаланилади. Очиқ тан олиш керак, илгарилари суд процесси иштирокчилари суд мажлиси ўтказиладиган жойдан анча узоқда бўлгани ортиқча вақтни талаб этибгина қолмай, айрим гувоҳларни жалб этишда ҳам жиддий муаммоларни туғдирар эди. Масалан, суд мажлисига келиши шарт бўлган асосий гувоҳ яшаш манзилининг узоқлиги, узрли сабабларга кўра кела олмалиги тарафларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган эди.

Шу ўринда рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти суди томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида жиноят ишларини кўриш жараёнида 20 дан ортиқ видео-конференцалоқа хизматларидан фойдаланилди. Бу жараёнларда процесс иштирокчилари бошқа вилоят судларидаги махсус жиҳозланган бинолардан ўз кўрсатмаларини беришди.

Масалан, жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг апелляция инстанциясида жиноят кодексининг 25, 97-моддаси билан судланиб, Қашқадарё вилоятида жойлашган тергов жиҳсонасида сақланаётган А. Б.га нисбатан жиноят иши кўриб чиқилди.

Табиийки, аввалги амалиётга кўра, судланган шахс суд мажлисида иштирок этиш учун Қашқадарё вилоятидан Тошкент вилоятидаги тергов жиҳсонасига олиб келтирилиши шарт эди. Лекин, ҳозир бунга ҳожат қолмади. Айни шу суд мажлисида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланил-

Аёлни жамият гултожи, дейишади. Ҳақ гап. Бинобарин, аёл саломатлиги жамият саломатлигини таъмин этади. Шу боис хотин-қизлар саломатлиги бекиёс аҳамиятга эгадир. Бу борада давлатимиз томонидан қатор чора-тадбирлар кўриляётгани бежиз эмас.



## Меҳр ва эътибор намунаси

Зангиота бобомизнинг муборак руҳи кезиб юрган туманда Давлат дастури ижроси бўйича оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, тиббий хизмат сифати ва самардорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. "Ҳеч бир аёл меҳр ва эътибордан четда қолмасин!" шiori остида ўтказилган тадбирни айнан ушбу туманда ташкил этилишида ҳам катта маъно борди.

Тиббиёт бирлашмасига қарашли "Қатортол" худудидаги юқори касалликлар шифонасида инвестиция дастури доирасида реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Мазкур бунёдкорлик доирасида "Хонобод" маҳалласида 150 қатновли 15-сонли қишлоқ оилавий поликлиникаси қурилиши ҳам олиб борилмоқда. Ушбу муассасалар энг сўнгги русумдаги тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланади. Демак, бу муассасаларда даволаш-профилактика амалиёти юқори даражага кўтариш имкониятлари яратилди.

Бирлашмада шифокорларнинг касбий маҳоратини мутасил ошириб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шифокорлар ва ўрта тиббиёт ходимлари малакасини ошириш, уларнинг замонавий тиббий технологияларни мукамал ўзлаштиришини таъминлаш мақсадида мамлакатимизнинг етакчи тиббиёт марказларининг тажрибали мутахассислари иштирокида турли анжуманлар, "маҳорат дарслари" ўтказилмоқда.

Турмуш қураётган ёшлар никиҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтказиладигани оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, туғма, ирсий касалликлар билан туғилуш ҳолатларининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этаётди. Ҳомилдор аёллар ва чақалоқларни перинатал ва неонатал скринингдан ўтказиш орқали уларда туғма ва ирсий касалликларни эрта аниқлаш чоралари кўрилади.

Дарҳақиқат, аёли эъзозланган юрт – қудратли бўлади. Бир сўз билан айтганда, Зангиота туманида аёллар саломатлигини асрашга қартиллаётган эътибор, бу борада яратилаётган шарт-шароитлар таҳсинга сазовор.

**Маъмуржон ҚИЁМОВ,**  
"Тошкент ҳақиқати" мухбири  
Мансур ХИММАТОВ  
олган суратлар

# ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ – ЖАМИЯТНИНГ БЕБАҲО БОЙЛИГИ



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ва 2018 йил 10 мартдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Қизлар ва фертил ёшдаги аёлларга кўрсатиладиган акушер-гинекологик ва тиббий ёрдам хизматларини ташкил

этиш, ҳомилдорлик даврида аёллар парвариши сифатини яхшилаш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш ҳамда амбулатор-поликлиника муассасалари томонидан жойларда туғиш ёшидаги аёлларнинг репродуктив саломатлигини яхшилаш, оналар ва болалар ўлимнинг олдини олиш мақсадида Зангиота тумани тиббиёт бирлашмасида 3 июндан 6 июлгача "Соғлом аёл ойлари" юқори савияда ўтказилмоқда.

Туманда ташкил этилган мазкур ойлик тиббиётимизнинг муҳим ютуқларидан ҳар бир аёлни баҳраманд этиш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш борабарда тиббий маданиятини юксалтиришга хизмат қилаётгани билан ҳам эътиборлидир.

Ойликни самарали, аниқ ва тизимли ўтказиш чоралари кўрилди, – дейди **Зангиота тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Саодат Муҳамедова**. – Бунинг учун ҳар бир умумий амалиёт шифокори ва патронаж ҳамширасига ўз худудидаги туғуруқ ёшидаги аёлларни қайта хатловдан ўтказиш, уларни аниқ режа асосида тиббий кўрикка чақириш вазифаси қўйилди. Аниқ вақти белгиланган чақириқ варақалари патронаж ҳамшираси ва умумий амалиёт шифокори томонидан ҳар бир аёлга шахсан тақдим этилди ва кўрикдан бир кун олдин яна бир бор эслатилди. Тиббий кўрик режаси умумий амалиёт шифокори ёрдамида тузиб чиқилди. Қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникаларда тиббий кўрикда зарур бўладиган бар-

ча асбоб-анжомлар тайёрлаб қўйилди.

Ойлик доирасида 5 минг 108 нафар фертил ёшдаги аёл ва ўсмир қизлар қамраб олинди. Мактаб, коллеж ва лицейларда ҳам тиббий кўрик ва соғломлаштириш акциялари ташкил этилди.

Аёллар ўртасида репродуктив саломатлигини асраш, ис-талмаган ҳомилдорликнинг олдини олиш, бехатар оналик, ўсмир қизлар ўртасида учрайдиган тиббий муаммолар борасида мулоқот ва суҳбатлар уюштирилмоқда. Тиббий кўриклар жараёнида аниқланган касалликлар амбулатор ва стационар шариҳида даволанмоқда. Тиббий ёрдамга муҳтожлар тиббиёт ёрдамчи ва уларнинг Тошкент вилояти филиалларида соғломлаштирилади.

## Юксак фаоллик билан

Соғлом фарзандларни соғлом оналар дунёга келтиришлари. Зангиота туманида ўтказилаётган "Соғлом аёл ойлари" доирасида амалга

ошириладиган ишлар билан танишиш мақсадида тиббиёт бирлашмасига ташриф буюрганимизда, тиббий кўрикдан ўтказиш жараёни аниқ авжида эди. Кўрикдан ўтиш учун келган фуқароларнинг кўпчилиги кўриб, тарғибот-ташвиқот ишлари яхши бўлганини ҳис қилдик.

Аввало, биз ишни аҳоли ўртасида ойликни тарғиб қилишдан бошладик, – дейди **туман тиббиёт бирлашмаси раҳбарининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари Хосият Базарова**. – Ойлик доирасида иштирок этадиган барча тиббиёт мутахассисларидан иборат гуруҳлар тузилди. Кўрикни аниқ ва тартибли ташкил этиш мақсадида туманда истиқомат қилувчи аёлларнинг умумий сонидан келиб чиқиб, график ишлаб чиқилди ва шу асосда аёлларни тиббий кўрикдан ўтишлари йўлга қўйилди.

Шунингдек, ҳар жума ва шанба кунлари бирлашма қошидаги "Аёллар маслаҳатхонаси" ва "Саломатлик мактаби" фаолияти мониторинг қилиниб, натижалар таҳлили чиқарилмоқда. Биз 6 июлга



қадар давом этадиган ойликда туманимиздаги 15 ёшдан 49 ёшгача бўлган хотин-қизларни янада фаол қатнашишларини сўрардик. Зеро, бу тиббий кўриклар аёлларнинг келажақда соғлом аёл, соғлом она бўлишлари ва соғлом фарзандларни дунёга келтиришларида муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

## Катта ҳаёт остонасида...

Бундай ойликнинг ташкил этилгани ҳар тарафлама фойдали бўлди, – дейди **туман тиббиёт бирлашмаси акушер-гинеколога Дилором Мамаюнова**. – Асосий мақсад – тиббиёт-

нинг муҳим ютуқларидан ҳар бир инсонни баҳраманд этиш, ўсмир қизлар ва фертил ёшдаги аёлларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, аҳолининг тиббий маданиятини оширишдир.

Соғлиқни сақлаш ходимлари ташкил қилаётган бундай тиббий кўриклар бўлажак оналар – қизлар саломатлигида ҳам муҳим роль ўйнаши шубҳасиз. Аёл саломат экан, ундан туғилажак фарзандлар соғлом ўсиб-ўлгайди.

Поликлиникамиздан патронаж ҳамшираси келиб, келимин ва қизларим тиббий кўрикдан ўтиши лозимлигини тайинлаб кетгани, – дейди **Хонободдаги 15-қишлоқ оила-**

Қаршимда ўтирган келинчақ ҳеч бир андишасиз: "Қайнонам бўлмаса биз бахтли яшардик", дейди. Ҳали келин бўлганига бир йил ҳам тўлмаган келинчақнинг гапидан таажубга тушидим.

Қайнонали келин қарқара келин, қайнонаси келин масхара келин, деб бежизга айтишмагандир. Сиз ҳали қайнонага элчилик хизмат ҳам қилмадингиз-ку, қандай қилиб у сизга ёқмаган бўлиши мумкин, – дейман келинчақка.

Э-э, қайнонам ўзига яраша айёр. Ишдан чарчаб келди, демасдан юмуш буюргани-буюрган. Кам гапириб, кўпроқ ҳаракат қилинган, дея танбех ҳам бериб қўяди. Келинчақ бир зумда янги тушган хонадонидagi "камчилик"ларни, қайнонасининг қусурларини санай кетди. Унинг бурро-бурро сўзларини эшитиб, очиги уялиб кетдим. Кексаларнинг таъбири билан айтганда "муштдек" келиннинг озги тинмаслиги гашимни келтирди.

Менда бошқа ишингиз бўлмаса узр, – дедим унга. – Вой, сиз мени нотўғри тушундингиз, лекин барибир замонавий ёшлар қайнона-қайнота

билан яшаши шартмас, – деганча хонани тарқ этди.

Эҳ, ёшлар, ёшлар. "Эр киши аёлнинг пири бўлади, уларга тенг келмаслик керак", дея йўлга солмоқчи бўлсангиз, дарҳол замонавийликни рўқча қилишади. "Қайнона-қайнотаннинг хурматини жойига қўйиш азалий одатлардан", дейишга оғиз жуфтламангиз-

## ҚАЙНОНАЛИ КЕЛИН ҚАДРЛИ КЕЛИН



дан яна "Алоҳида яшасак бахтли ҳаёт кечирардик", деган сўзларни айтишади. Албатта, бу баъзи ҳаётга энгил-елпи қарайдиган ёшларнинг фикр-мулоҳазалари бўлиши мумкин. Аслида, хонадонларнинг устуни бўлган қайнотаннинг, келинлар тили билан айтганда сал "айёр" бўлса-да, қайнонанинг борлиги яхши эмасми?

Ён кўшим Мавлуда ая олтиш ёшдан ошган бўлса-да, ҳамон: "Қайнонамни кўрмаганим армоним", дея ўқинади. "Келинларим хизматимни қилаётганларида кўнглимдан ажиб ўйлар ўтади", дейди.

Онасиз ўсганман. Шу боис, ўн тўққиз ёшимда танимаган-билмаган хонадонимга узатиб юбо-

айтаманки, мен турмуш ўртоғимнинг уйда, қайнота-қайнонам бағрида ҳақиқий бахтини тогланман. Айни кунда улар тўқсон ёшдалар, ҳамон бу фазийнеб инсонларнинг дуоларини олиб кам бўлмаяпман. – Қизим бир ёшга тўлганида турмуш ўртоғим автохалокатда вафот этди, – дейди Жамила

опатли умр кечираяпман. Албатта, қайноналарини беҳурмат қилаётган келинчақларни кўрсам, ўқинаман. Ахир, улар ҳам она-ку. Онанинг ёмони бўладими?

Онасининг қулоғига: "Қайнонам ўғлини мендан қизганиапти", дея шивирлаётган шовқалоқ келинчақлар, "Қизимга қайнонаси кун бермаётган экан, бир адабини бериб қўяй", деган шахд билан энг шимариб олланаётган онажонлар, келинг, бир сонияга кўнглини кенг қилинг. Ахир, қайси она фарзандининг бахтсиз бўлишини хоҳлайди. Ундан кўра, ёшларга оила қуриш сирларини чуқурроқ ўргатиш, катталарга ҳурмат, кичикларга иззатда бўлиш кераклигини, сабр, қаноат, меҳр-муҳаббатни ҳамроҳ қилганларнинг ҳаёт йўллари ёруғ эканлигини ўқтирмақ жоиз. Замонавий ёшлар қайнота-қайнона билан яшашлари шарт эмас, дегувчиларга миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз ҳақида кенгроқ тушунча бериш лозим. Бу борада маҳалла фуқаролар йиғинларида фаолият юритаётган "Қайноналар кенгаши", "Қайноналар мактаби", "Қизларжон клуби" мутасаддилари ишларини янада жонлантиришлари зарур.

опа. – Қайнонам иккимиз бўтадек бўзлаб қолдик. Қайнонамнинг уч нафар қизлари бўлса-да, мени ҳеч кимга ишонмасдилар. Турмуш ўртоғимнинг вафотидан сўнг қайнонам билан она-бола бўлиб яшадик. Кези келганда қойирди, вақти-вақти билан қилаётган хизматларимдан мамнулигини айттарди. Турмуш ўртоғим бўлмасида, ана шу дилбар аёл билан ўн етти йил она-бола бўлиб яшадик. Умрининг сўнгги кунларини билганми, ўзлари менга қувв топиб, узатдилар. Бошида кўнмадим, "Ёш умрингни мен учун ўтказдинг, мингдан-миг розиман", дея дуо қилдилар. Орадан кўп ўтмай вафот этдилар. Бугун қизимни узатганман, набираларим бор. Ўзимга яраша са-

## Кўзгудаги ўзимиз

олатли умр кечираяпман. Албатта, қайноналарини беҳурмат қилаётган келинчақларни кўрсам, ўқинаман. Ахир, улар ҳам она-ку. Онанинг ёмони бўладими?

Онасининг қулоғига: "Қайнонам ўғлини мендан қизганиапти", дея шивирлаётган шовқалоқ келинчақлар, "Қизимга қайнонаси кун бермаётган экан, бир адабини бериб қўяй", деган шахд билан энг шимариб олланаётган онажонлар, келинг, бир сонияга кўнглини кенг қилинг. Ахир, қайси она фарзандининг бахтсиз бўлишини хоҳлайди. Ундан кўра, ёшларга оила қуриш сирларини чуқурроқ ўргатиш, катталарга ҳурмат, кичикларга иззатда бўлиш кераклигини, сабр, қаноат, меҳр-муҳаббатни ҳамроҳ қилганларнинг ҳаёт йўллари ёруғ эканлигини ўқтирмақ жоиз. Замонавий ёшлар қайнота-қайнона билан яшашлари шарт эмас, дегувчиларга миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз ҳақида кенгроқ тушунча бериш лозим. Бу борада маҳалла фуқаролар йиғинларида фаолият юритаётган "Қайноналар кенгаши", "Қайноналар мактаби", "Қизларжон клуби" мутасаддилари ишларини янада жонлантиришлари зарур.

опа. – Қайнонам иккимиз бўтадек бўзлаб қолдик. Қайнонамнинг уч нафар қизлари бўлса-да, мени ҳеч кимга ишонмасдилар. Турмуш ўртоғимнинг вафотидан сўнг қайнонам билан она-бола бўлиб яшадик. Кези келганда қойирди, вақти-вақти билан қилаётган хизматларимдан мамнулигини айттарди. Турмуш ўртоғим бўлмасида, ана шу дилбар аёл билан ўн етти йил она-бола бўлиб яшадик. Умрининг сўнгги кунларини билганми, ўзлари менга қувв топиб, узатдилар. Бошида кўнмадим, "Ёш умрингни мен учун ўтказдинг, мингдан-миг розиман", дея дуо қилдилар. Орадан кўп ўтмай вафот этдилар. Бугун қизимни узатганман, набираларим бор. Ўзимга яраша са-

Дилфуза МИРОБИДОВА

## ДИҚҚАТ!

Фавкулдда вазиятлар вазирилик сел хавфи ҳақида огоҳлантириш билан чиқди.

Қайд этилишича, 2019 йилнинг 3 июль кунини Тошкент, Жиззах, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларининг тоғ ва тоғолди худудларида сел келиши хавфи мавжуд.

Тоғ ва тоғолди худудларида яшовчи аҳоли диққатига! Эҳтиёт чораларини кўришингизни, ҳамда авария ва бошқа нохуш ҳолатлар вужудга келганда, ФВВнинг 10-50 рақамига мурожаат этишингизни илтимос қиламиз, – дейилади хабарда.

## ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 3 июль кунини Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, кечаси ва эрталаб қисқа мuddатли ёмғир ёғиб, момақалдирик бўлиши мумкин, кундузи ёғингарчилик бўлмайди. Фардан секундида 5-10 метр тезликда шамол эсади. Шамолининг тезлиги секундида 12-17 метргача кучайиши мумкин. Кечаси 21-23, кундузи 31-33 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, баъзи жойларда кечаси ва эрталаб қисқа мuddатли ёмғир ёғиб, момақалдирик бўлиши мумкин, кундузи ёғингарчилик бўлмайди. Фардан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Айрим жойларда шамолининг тезлиги секундида 17-22 метргача кучайиши мумкин. Кечаси 20-25, кундузи 30-35 даража иссиқ бўлади.

<b>ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ</b> <b>ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА</b> Муассис: <b>Тошкент вилояти ҳокимлиги</b>	<b>Бош муҳаррир</b>  <b>Ғайрат ШЕРАЛИЕВ</b>	<b>Манзилими:</b> 111500, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 90.  <b>Тошкент шаҳридаги</b> <b>офисимиз:</b> 100000, Матбуотчилар кўчаси, 32.	<b>Телефонлар:</b> (71) 233-64-95, (71) 233-58-85 (факс) (71) 233-70-10 (71) 233-90-82 (71) 233-38-23, (71) 233-48-08 (71) 233-65-59, (71) 233-54-10	Тошкент вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.  Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терияли ва Тоҳир Маҳмудўжаев томонидан саҳифаланган.	<b>Навбатчи муҳаррир</b> <b>Кумуш ЭҒАМБЕРДИЕВА</b>  <b>Зароратчи мусахҳиҳ</b> <b>Аллома АЗИЗОВА</b>  <b>Навбатчи</b> <b>Зухриддин РАҲМОНОВ</b>
	Буюртма V-3557. Баҳоси келишилган нарҳда. Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. 4 518 нусхада чоп этилди.				<b>ISSN 2010-9318.</b>